



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 10 июль, № 140 (9311)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ВА БЕЛАРУСЬ: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МАҚОМИГА КЎТАРИЛГАН ДЎСТОНА МУНОСАБАТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенконинг таклифига биноан 8-9 июль кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.



9 июль куни Минск шаҳридаги Мустақиллик саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни тантанали кутиб олиш маросими ўтказилди.

Сарой олдидаги майдонда икки давлат байроқлари кўтарилди ва фахрий қоровул саф тортиди. Давлатимиз раҳбарини Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко самимий кутиб олди.

Давлат мадҳиялари янгради. Етакчилар фахрий қоровул сафи олдидаги ўтиб, расмий делегациялар аъзоларини кутладилар.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко тор доирада ҳамда расмий делегациялар аъзолари иштирокида музокара ўтказдилар.

Учрашув аввалида давлатимиз раҳбари сўнгги йилларда Ўзбекистон билан Беларусь ўртасидаги кўп қиррали муносабатлар сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилганини алоҳида таъкидлади.

Ушбу ташрифга тайёргарлик доирасида Хукуматлараро комиссия ва Ишбилармонлар кенгаши йиғи-

лишлари, сиёсий маслаҳатлашувлар, таҳлилий доиралар учрашувлари, Ўзбекистон маданияти кунлари ҳамда бошқа тадбирлар муваффақиятли ўтказилди.

Ўзаро савдо ҳажми барқарор суръатда ўсиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Сўнгги беш йилда бу кўрсаткич қарийб 3 баробар ошди, ўтган йил якунига кўра салкам 1 миллиард долларга етди. Жорий йилнинг оғдида қолган даврида унинг ҳажми яна 30 фоизга ошди. 360 та қўшма корхона муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Етакчилар куни кеча ўзаро савдо ҳажмини 2 миллиард долларга етказиш бўйича аниқ ҳаракатлар келишиб олингани ҳамда қишлоқ хўжалиги, машинасозлик, фармацевтика, электротехника, енгил саноат, мебелсозлик ва саноатнинг бошқа тармоқларида янги кооперация лойиҳаларидан иборат чора-тадбирлар режаси қабул қилинганини олқишладилар.

Ўзбекистон тинч атомдан фойдаланиш ва шу соҳада инфратузилмани барпо этиш борасидаги тажрибани алмашишдан манфаатдор экани билдирилди.

Фаол маданий-гуманитар алмашинуви изчил давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

Йиғилиш давомида қўшма Хукуматлараро комиссия ҳамраисларининг ҳисоботлари ҳамда музокара кун тартиби юзасидан аниқ тақлифлари ҳам тингланди.

Яқунда Президент Шавкат Мирзиёев ҳаммаси Александр Лукашенкога расмий ташриф билан Ўзбекистонга келишни тақлиф этди.

Бўлиб ўтган музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко Стратегик шериклик муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги декларацияни имзоладилар.

Шунингдек, давлат раҳбарлари хузурида қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланди. Жумладан: — 2026 — 2030 йилларда савдо-иқтисодий ва ижтимоий-гуманитар ҳамкорлиқни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар режаси;

— Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Беларусь Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ўртасида 2026-2027 йиллар-

га мўлжалланган маслаҳатлашувлар дастури;

— 2005 йил 19 январдаги “Фуқароларнинг ўзаро қатновлари тўғрисида”ги битимга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида баённома;

— Беларусь Республикаси ҳудудида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ташкилий асосда қабул қилиш ва жалб этиш тўғрисида битим;

— Ўрмон хўжалигини ривожлантириш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

— 2026 — 2028 йилларга мўлжалланган маданият соҳасидаги ҳамкорлик дастури;

— Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Беларусь Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ўртасида 2027-2028 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик бўйича чора-тадбирлар режаси;

— Ўзаро сайёҳлар оқимини кўпайтириш ва туризм соҳасидаги ҳамкорлиқни ривожлантириш бўйича 2026-2027 йилларга мўлжалланган қўшма ҳаракатлар режаси;

— 2026 — 2028 йилларда агро-саноат мажмуидидаги ҳамкорлиқни янада чуқурлаштириш бўйича “Йўл харитаси”;

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Енгил саноатни ривожлантириш агентлиги ҳамда Беларусьнинг “Беллепром” давлат концерни ўртасида енгил саноат соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида баённома;

— Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳамда Беларусь Республикаси Меҳнат ва ижтимоий ҳимоя вазирлиги ўртасида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳамкорлик бўйича ўзаро англашув меморандуми;

— Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Беларусь Республикаси Молия вазирлиги ўртасида молиявий масалалар бўйича ўзаро англашув меморандуми;

— Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ҳамда Беларусь стратегик тадқиқотлар институти ўртасида Ўзбекистон — Беларусь экспертлар кенгашини таъсис этиш тўғрисида меморандум;

— Ўзбекистон Республикаси

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Беларусь Республикаси Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат вазирлиги ўртасида агросаноат соҳасида инвестициявий ҳамкорлиқни ривожлантириш бўйича ахдлашув меморандуми;

— Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва Беларусь Миллий фанлар академияси ўртасида илмий-техник ҳамкорлик бўйича ўзаро англашув меморандуми.

Шунингдек, ташриф доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ва Беларусь Республикаси Фундаментал тадқиқотлар жамғармаси ўртасида ҳам меморандум имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко музокаралар якунлари тўғрисида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун баёнот бердилар.

Давлатимиз раҳбари Александр Лукашенкога самимий қабул ва илиқ меҳмондўстлик учун чин дилдан миннатдорлик билдириб, Беларусь халқини яқинда нишонланган Мустақиллик куни билан табриклади.

Ушбу расмий ташриф Ўзбекистон — Беларусь муносабатлари ривожига тарихий воқеа экани мамнуният билан қайд этилди.

Жумладан, Стратегик шериклик муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги декларациянинг имзолангани саммитнинг асосий натижаларидан бири бўлди.

Ўзбекистон етакчиси таъкидлаганидек, мазкур ҳужжат давлатлараро ҳамкорлиқни мустаҳкамлашда янги саҳифа очиб, томонларнинг кўп қиррали шериклиқни узоқ муддатли ривожлантириш борасидаги қатъий интилишини тасдиқлайди.

Музокараларга катта тайёргарлик кўрилгани уларнинг муваффақиятли ўтишида муҳим омил бўлгани қайд этилди.

Ташриф арафасида Хукуматлараро комиссия ва Ишбилармонлар кенгаши йиғилишлари, сиёсий маслаҳатлашувлар, учинчи Худудлараро форуми, Ўзбекистон маданияти кунлари ҳамда таҳлилий доиралар учрашуви бўлиб ўтди.

Давлат раҳбарлари сиёсий мулоқотни янада ривожлантириш ҳамда парламентлараро ҳамкор-

лиқни мустаҳкамлаш муҳимлигини таъкидладилар.

Саммит олдида товар айирбошлаш ҳажмини 2 миллиард долларга етказиш бўйича аниқ чора-тадбирларни ҳамда устувор соҳалардаги янги лойиҳавий ташаббусларни қамраб олган комплекс режа қабул қилинди.

Бунда қишлоқ хўжалиги, машинасозлик, фармацевтика, электротехника, микроэлектроника, тўқимачилик, мебелсозлик ва бошқа тармоқларда кооперацияни ривожлантириш назарда тутилган.

Ўзбекистонда биринчи атом электр станцияси ва турдош инфратузилмани қуришда Беларусь тажрибасини қўллаш юзасидан келишувга эришилди.

Учинчи Ўзбекистон — Беларусь Худудлараро форумининг якунлари юқори баҳоланди. Форум ишида Ўзбекистоннинг 230 нафарга яқин ташкилотлари иштирок этди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, МДХ, ШХТ ва Қўшилмаслик ҳаракати каби минтақавий ҳамда халқаро тузилмалар доирасидаги ҳамкорлиқни янада чуқурлаштиришга интилиш қатъий экани таъкидланди.

Маданият ва санъат, таълим, соғлиқни сақлаш ҳамда туризм соҳаларидаги фаол алмашинувлар давом эттириладилар.

Давлатимиз раҳбари Минск шаҳрида Ўзбекистон — Беларусь дўстлиги хиёбонини барпо этиш ташаббуси учун миннатдорлик билдирди.

Жорий йилда навбатдаги тиббиёт, таълим ва туризм форумларини ташкил этишга ахдлашиб олинди.

Яқунда бугунги тарихий ташриф натижалари стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашга ҳамда икки мамлакатнинг барқарор ривожланиши ва фаровонлигига ҳар томонлама хизмат қилиши таъкидланди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Беларусьга расмий ташрифи якунланди. Пойтахт аэропортида олий мартабали меҳмонни Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко кузатиб қўйди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн еттинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2026 йилнинг 9 июль куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн еттинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади.



Унда Сенат, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, маҳаллий Кенгашларнинг депутатлари, Сенат хузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзилла Норбоева олиб борди. “Ялпи мажлиси Сенатнинг “YouTube” тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилди.

Ўн еттинчи ялпи мажлисининг биринчи иш кунини сенаторлар мамлакатимизда инвестициявий муҳитни янада яхшилаш, халқаро капитални жалб қилиш ҳамда замонавий молия инфратузилмасини шакллантиришга қаратилган “Тошкент халқаро молия маркази тўғрисида”ги Конституциявий қонунни муҳокама қилишдан бошлади.

Муҳокама жараёнида таъкидланганидек, мазкур Конституциявий қонун Сенатнинг ўн олтинчи ялпи мажлисида муҳокама қилиниб, тақомиллаштириш бўйича тақлифлар билан бирга Қонунчилик палатасига юборилган эди. Сенаторлар ва Қонунчилик палатаси депутатларидан иборат келишув комиссияси манфаатдор давлат органлари ва ташкилотлар вакиллари жалб қилган ҳолда қонунни қайта ишлаб чиқди.

Конституциявий қонунда Тошкент халқаро молия марказининг алоҳида худуд сифатидаги мақоми, фаолиятининг асосий принциплари белгиланмоқда.



МАМЛАКАТ ЕТАКЧИСИНИНГ БЕЛАРУСГА ТАШРИФИ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ НИГОҲИДА

Беларусь оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ушбу мамлакатга расмий ташрифини кенг ёритиб, икки томонлама стратегик шериклиқнинг жадал ривожланаётгани, иқтисодий ҳамкорлиқнинг кенгаётгани ва икки давлат ўртасидаги гуманитар алоқаларнинг мустаҳкамланаётганини таъкидламоқда.

Биз ва жаҳон

Беларусь ОАВлари 6 — 8 июль кунлари Минск шаҳрида бўлиб ўтган Беларусь ва Ўзбекистон худудларининг Ёш форумига алоҳида эътибор қаратди. “СБ. Беларусь сегодня”, “Минск-Новости” каби етакчи нашрларда ва МДХ Ижроия қўмитаси порталида ушбу тадбир ёришилган келишувлардан аниқ қўшма лойиҳаларни амалга оширишга ўтиш учун муҳим майдон бўлгани таъкидланди. Нашрларда муҳокамаларнинг асосий йўналишлари саноат кооперацияси, агросаноат мажмуаси, савдо, логистика, тиббиёт, туризм ва гуманитар ҳамкорлик бўлгани алоҳида қайд этилган.

Беларусьнинг “БЕЛТА” телеграф агентлиги, МДХ Ижроия қўмитасининг интернет портали ва бошқа ахборот ресурсларида ҳам икки мамлакат саноат кооперациясининг ривожланиши ёритилмоқда.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА ПАРЛАМЕНТНИНГ ЎРНИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Халқаро парламентаризм кўни муносабати билан “Замонавий парламентаризм: демократия, қонун устуворлиги ва барқарор ривожланиш йўлида парламентнинг ўрни” мавзuida давра суҳбати бўлиб ўтди.



Унда мамлакатимизда янги тахирдаги Конституция асосида парламентнинг қонун ижодкорлиги, парламент назорати ва вакиллик функциялари мутлақо янги босқичга кўтарилгани таъкидланди. Хусусан, Қонунчилик палатасида қўмиталар фаолияти қайта ташкил этилди, қонунчиликни Жаҳон савдо ташкилоти битимларига уйғунлаштириш, иқлим ўзгариши ва “ашиш” иқтисодиёт, ташаббусли бюджет жараёнлари устидан парламент назорати бўйича парламент комиссиялари тузилди. Шунингдек, қонун ижодкорлиги жараёнида инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ислохотларга

алоҳида ургу берилди. Кейинги йилларда инсон қадрини улуғлаш ва аҳолининг конституциявий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ишончли кафолатлашга қаратилган қатор қонунлар қабул қилингани таъкидланди.

Иштирокчилар парламентнинг очиклиги ва ҳисобдорлигини таъминлаш, қонун ижодкорлиги жараёнида илмий ёндашувни кучайтириш, жамоатчилик иштирокини кенгайтириш ҳамда рақамли технологияларни кенг жорий қилиш замонавий парламентаризмнинг муҳим йўналишларидан бири эканини алоҳида қайд этди.

Тадбирда парламентларнинг халқаро муносабатларни мустаҳкамлашдаги ўрни ҳам кенг муҳокама қилинди. Қайд этилганидек, парламент дипломатияси бугунги кунда давлатлар ўртасида ўзаро ишончли мустаҳкамлаш, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, глобал муаммолар юзасидан умумий ёндашувларни шакллантиришда муҳим механизмлардан бирига айланмоқда.



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн еттинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ



1 Шу билан бирга, Молия маркази худудда халқаро инвесторлар учун молиявий барқарорлиқни таъминлашга қаратилган нормалар ҳам қўнунга киритилмоқда.

Молиявий хизматлар бошқармаси молиявий хизматлар ва қўшимча хизматлар кўрсатиш бўйича фаолиятнинг лицензияланиши, тартибга солиниши, назорат қилиниши ва мажбурулор чоралари қўлланлиши учун масъул этиб белгиланмоқда. Тошкент халқаро тижорат суди эса ўз юрисдикциясига кирувчи низоларни суд тартибидда ҳал этиш ва суд маъмуриятчилиги бўйича мулк ваколатларга эга бўлади.

Сенат аъзолари таъкидлаганидек, мазкур Конституциявий қўнун республикада капитал бозорини ривожлантириш, инвестиция оқимини кенгайтириш учун муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, Молия маркази иштирокчилари учун яратилаётган имкониятларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтилади. Жумладан, чет эллик мутахассисларни меҳнат фаолияти ҳуқуқига доир тасдиқнома олмаддан ишга қабул қилиш ҳамда Молия марказининг шахси ҳисобланган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар кириш визасини беш йилгача бўлган муддатда олиши мумкинлиги назарда тутилмоқда.

Сенаторлар ўз чиқишларида таъкидлаганларидек, Тошкент халқаро молия маркази халқаро миқёсда эътироф этилган етакчи жаҳон молия марказларининг энг яхши амалиётларига мувофиқ ҳуқуқий аниқлик, тартибга солишни олдидан кўра билиш, суд мустақиллиги ҳамда инвесторларни жалб этиш ва ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида ташкил этилади ва бошқарилади, етакчи молия маркази сифатида Ўзбекистон Республикаси иқтисодийнинг ўсишига хизмат қилади.

Муҳокама сўнгида сенаторлар қўнунни маъқуллади.

Шунингдек, ялпи мажлисда “Рақамли технологиялар халқаро маркази тўғрисида”ги Конституциявий қўнун қўриб чиқилди.

Мазкур қўнун мамлакатимизда инвестициявий муҳитни янада яхшилаш, халқаро капитални жалб қилиш ҳамда Ўзбекистоннинг халқаро рақамли ҳажмамиятга қўшилиш имкониятларини кенгайтириш бўйича ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Қўнунда Рақамли технологиялар халқаро марказининг мақоми ва марказ худудда амал қиладиган махсус ҳуқуқий режими белгиланмоқда.

Шу билан бирга, марказ органлари ва иштирокчилари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини, инвестиция фаолиятини амалга ошириш, “Тартибга солиш қўмдони”ни жорий этиш, давлат хизматлари кўрсатиш, меҳнат муносабатлари, солиқ, божхона ва валюта соҳаларидаги махсус тартибларни белгилашга қаратилган нормалар ҳам қўнунда ўз аксини топган.

Мажлисда сенаторлар Рақамли технологиялар марказида жорий қилинаётган махсус ҳуқуқий режими ҳақида ҳам тўхталиб ўтди.

Муҳокама давомида қўнуннинг айрим

нормаларини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар билдирилди.

Хусусан, марказ Бошқарув кенгаши ҳамда марказ маъмуриятининг иқтисодий ва тартибга солиш чораларини қўллаш соҳасидаги ваколатларини қўшимча равишда кенгайтириш, инвесторлар ҳуқуқлари ва инвестицияларни ҳимоя қилиш қафолатларини халқаро стандартлар асосида янада кучайтириш лозимлигига эътибор қаратилди.

Сенаторлар фикрича, мазкур таклифларни инноватга олган ҳолда ушбу Конституциявий қўнун устида янада пухта ишлаш инвесторлар ҳуқуқларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш ҳамда Рақамли технологиялар халқаро марказининг рақобатбардорлигини оширишга хизмат қилади.

Қизғин муҳокама натижасида Конституциявий қўнунни такомиллаштириш бўйича таклифлар билан Қўнунчилик палатасига юбориш, сенаторлар ва Қўнунчилик палатаси депутатларидан иборат тариқда келишув комиссиясини тўзиш ҳамда манфаатдор давлат органлари ва ташкилотлар вакиллари жалб қилган ҳолда қўнунни қайта ишлаш мақсадида мувофиқ деган хулосага келинди.

Муҳокама якунида Сенатнинг ушбу Конституциявий қўнунни такомиллаштириш юзасидан қарори қабул қилинди.

Шундан сўнг “Ижтимоий иш тўғрисида”ги қўнун муҳокама қилинди.

Мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш, ушбу соҳани ягона тизимга бириштириш борасида амалга оширилган ислохотлар натижасида ижтимоий ёрдам ва хизмат турлари янада кенгайди ҳамда хизмат кўрсатиш сифати яхшиланди.

Қўнунга биноан ижтимоий иш тиббиёти, таълим, ижтимоий ҳимоя, бандлик, суд ва ҳуқуқ-тартибот, жазони ижро этиш соҳаларида ташкил этилади.

Ижтимоий иш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи этиб Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги белгиланмоқда.

Қўнунда Вазирлар Маҳкамасининг, республика ижро этувчи ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ижтимоий иш соҳасидаги ваколатлари белгиланмоқда ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, тадбиркорлик субъектлари ва жисмоний шахсларнинг ижтимоий иш соҳасидаги фаолиятда иштирок этиши мустаҳкамланмоқда.

Шунингдек, қўнунда ижтимоий хизматлар ва ижтимоий ёрдам турлари, ижтимоий хизматлар ва ижтимоий ёрдам кўрсатувчи субъектлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож шахс (ойла) деб топиш, ижтимоий хизматлар ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш ҳамда тугатиш асослари, ижтимоий хизматлар ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ фаолиятни молиялаштириш манбалари, ижтимоий ҳодимнинг мақоми, ижтимоий муҳофазаси, фаолиятига доир чекловлар каби муҳим масалалар ўз аксини топган.

Сенаторларнинг фикрича, қўнун ижтимоий иш соҳасидаги муносабатларнинг тартибга солинишига, аҳолининг эҳтиёж-

манд қатламларига ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимини яратилишига ҳамда уларнинг ижтимоий ҳимояси кучайтирилишига хизмат қилади.

Сенаторлар қўнунни маъқуллади. Ялпи мажлисда “Болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қўнун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида”ги қўнун ҳам қўриб чиқилди.

Муҳокама жараёнида таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қўнуний манфаатларини таъминлаш, уларни ҳар қандай зўравонлик шаклларида ҳимоя қилиш ҳамда болалар учун хавфсиз таълим муҳитини яратишга қаратилган тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мазкур қўнун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда таълим ташкилотларида тарбия ва таълим бериш жараёнида вояга етмаган болаларга нисбатан жисмоний зўравонлик содир этганлик, шунингдек уларни тахқирлаганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланмоқда.

Бундан ташқари, педагогик фаолиятни амалга ошириш жараёнида вояга етмаганларга нисбатан жисмоний ва (ёки) руҳий зўравонликка оид ҳуқуқбузарлик содир этганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилган шахсларга нисбатан бир йил муддат давомида мактабгача таълим ташкилотларида педагогик фаолият билан шугулланиш таъқиқлангани назарда тутилмоқда.

Шунингдек, давлат ёки нодавлат муассасасининг тўлиқ таъминотида бўлган бола учун ота ёки онани алимент тўлашдан озод қилишга йўл қўйилмаслиги белгиланмоқда.

Шу билан бирга, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тарбияга факат уларнинг қариндошлари оиласига берилиши қоидаси жорий этилмоқда.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу қўнун болаларнинг ҳуқуқ ва қўнуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, таълим муассасаларида уларнинг қадр-қиммати ва дахлсизлигини таъминлаш бўйича ҳуқуқий қафолатларни мустаҳкамлашга замин яратди.

Муҳокама сўнгида сенаторлар қўнунни маъқуллади.

Сенатнинг 17-ялпи мажлисида “Тазйик ва зўравонликдан жабрланган шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қўнун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида”ги қўнун муҳокама қилинди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қўнуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишнинг институциявий ҳамда ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштириш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тазйик ва зўравонликка учраган хотин-қизлар ҳамда болалар билан ишлаш бўйича ваколатли орган этиб белгиланди.

Қўнун билан Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг хотин-қизларни тазйик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари аниқ қўлиб белгиланмоқда.

Шунингдек, тазйик ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизлар ҳамда уларнинг вояга етмаган фарзандлари учун қатор енгилликлар жорий этилмоқда.

Жумладан, улар йўқотилган биометрик паспорт ўрнига янги паспорт олиш, никоҳ тузилганлиги ёки туғилганлик ҳақида тақ-

рорий гувоҳнома расмийлаштиришда давлат божини тўлашдан озод этилмоқда.

Тазйик ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизлар ҳамда уларнинг вояга етмаган фарзандларига давлат ҳисобидан маалаки юридик ёрдам кўрсатиш тизимини йўлга қўйилмоқда.

Бундан ташқари, тазйик ва зўравонликдан жабрланувчи махсус марказга олти ойгача (олдин 30 кунгача) муддатга жойлаштирилиши мумкинлиги белгиланмоқда.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу қўнун тазйик ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларнинг ҳамда уларнинг вояга етмаган фарзандларининг манзилли ва самарали ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга ҳамда ижтимоий ҳимоялар ва ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Сенаторлар қўнунни маъқуллади. Шунингдек, “Ўзбекистон Республикасининг айрим қўнун ҳужжатларига техник жиҳатдан тартибга солиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қўнун ҳам қўриб чиқилди.

Сўнги йилларда мамлакатимизда савдо ва саноат соҳасини ривожлантириш, техник жиҳатдан тартибга солиш, мувофиқликни баҳолаш, махсулотлар устидан давлат назорати тартиб-таомилларини Жаҳон савдо ташкилотининг қоидаларига мувофиқлаштириш бўйича чора-тадбирлар ишчил амалга оширилмоқда.

Мазкур қўнун билан амалдаги айрим қўнун ҳужжатларига ортиқча маъмурий тартиб-таомилларни бартараф этишга, миллий сифат инфратузилмасини илгор хорижий таърибга таянган ҳолда ва комплекс ёндашув асосида институционал жиҳатдан ривожлантиришга ҳамда соҳага оид миллий қўнунчиликни халқаро нормаларга, шу жумладан, Жаҳон савдо ташкилотининг қоидалари ва нормаларига уйғунлаштиришга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилмоқда.

Хусусан, “Метрология тўғрисида”ги Қўнунда истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, аҳоли ҳаёти ва хавфсизлигини таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби мақсадларда фойдаланиладиган ўлчаш воситалари давлат метрология назорати объекти сифатида белгиланмоқда.

“Стандартиштириш тўғрисида”ги Қўнунда тадбиркорлик субъектлари томонидан мустанки равишда ишлаб чиқариладиган ва қўлланладиган “қорхона стандартлари” институти жорий этилмоқда.

“Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Қўнунда эса техник регламентларда хавфсизлик талабларини махсулотнинг хавф таҳлилидан келиб чиққан ҳолда белгиланган амалиёти назарда тутилмоқда.

Шу билан бирга, “Мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитация қилиш тўғрисида”ги Қўнунда мувофиқликни баҳолаш органларининг ваколатлилигига оид талаблар ва мезонларни белгилашда халқаро стандартларга устуворлик берилиши мустаҳкамланмоқда.

Сенаторларнинг фикрича, қўнун миллий сифат инфратузилмасининг бошқарув моделини яратиш, техник жиҳатдан тартибга солиш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш соҳаларида манфатлар тўқнашувининг олдини олиш, шунингдек, мазкур соҳаларда қўлланладиган айрим талаблар ҳамда атамалари Жаҳон савдо ташкилотининг қоидалари ва нормаларига мувофиқлаштиришга хизмат қилади.

Муҳокама якунида сенаторлар қўнунни маъқуллади.

Шундан сўнг “Қурилиш соҳасида давлат назорати ва бошқаруви янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қўнун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қўнун муҳокама қилинди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда шаҳарсозлик ва қурилиш соҳасини илпоҳ қилиш, аҳоли учун хавфсиз ва қўлай яшаш

муҳитини яратиш, қурилиш ишларининг сифати ҳамда шаффофлигини таъминлаш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, қурилиш жараёнилари устидан давлат назоратининг самарадорлигини ошириш, биноларнинг сейсмик хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, шаҳарсозлик ҳужжатларини такомиллаштириш зарурати юзага келган.

Қўнун билан Жиноят кодексига ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилиб, қўнун квартиралари уйлари қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияларининг рухсатномасиз қуриш учун жавобгарлик қўйирилмоқда ва шунга қўра Жиноят-процессуал кодексининг тегишли моддалари мувофиқлаштирилмоқда.

Шунингдек, “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қўнунга қурилиш-монтаж ишларини бошлаш ҳақидаги хабарнома юборилиши ўрнига қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш ҳудудий инспекцияларидан ушбу ишларни бошлаш учун рухсатнома олинишини назарда тутувчи ўзгаришлар киритилмоқда.

Бундан ташқари, Шаҳарсозлик кодексига ҳамда “Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва худудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида”ги Қўнунга ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилиб, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ваколатлари аниқлаштирилмоқда ҳамда шаҳарсозлик ҳужжатлари тарихига мастер-режа ҳам киритилмоқда.

Сенаторлар таъкидлаганидек, мазкур қўнун қурилиш соҳасида қўнун устуворлигини таъминлаш, давлат назоратининг таъсирчанлигини ошириш, аҳолининг ҳаёти ва соғлиғи учун хавфсиз муҳит яратиш, шунингдек, шаҳарсозлик фаолиятини замонавий талаблар асосида ташкил этишга хизмат қилади.

Сенаторлар қўнунни маъқуллади.

Шунингдек, Сенатнинг ялпи мажлисида янги таҳрирдаги “Ёнғин хавфсизлиги тизимини такомиллаштиришга қаратилган муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қўнун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида”ги қўнун қўриб чиқилди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ёнғинлар профилактикаси ва давлат назорати тизимини такомиллаштириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилган бўлса-да, ёнғинлар билан боғлиқ оғир оқибатли ҳолатлар ҳамон учраб турибди. Хусусан, 2025 йилда республика бўйича 11 241 та ёнғин содир бўлиб, улар натижасида жисмоний ва юридик шахсларга 249,2 миллиард сўм зарар етказилган. Ёнғинлар оқибатида 82 нафар фуқаро ҳалок бўлган.

Амалдаги қўнунчиликда ёнғин хавфсизлиги соҳасида комплекс ҳуқуқий, ташкилий ва профилактик чора-тадбирлар ва механизмлар тўлиқ яратилмаганилиги, айрим ҳуқуқбузарликлар учун эса жавобгарлик белгиланмаганилиги боис ушбу соҳадаги қўнунчиликни тубдан такомиллаштириш зарурати юзага келган.

Шу боис муҳокама қилинган қўнун билан ёнғин хавфсизлиги соҳасида мавжуд ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этишга қаратилган муҳим нормалар жорий этилмоқда.

Жумладан, шаҳарсозлик фаолиятда рухсат бериш тартибига қўнунга хилоф равишда аралашганлик учун жиноий ва маъмурий жавобгарлик белгиланмоқда.

Бозорлар, савдо комплекслари ва савдо-қўнунчилик марказлари мулкдорларининг учинчи шахслар ҳаёти ва соғлиғига ёнғин натижасида етказилган зарар учун

фуқаролик жавобгарлигини ҳамда ушбу объектларни ёнғиндан мажбурий суғурта қилиш тизими жорий этилмоқда.

Қўнун билан ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг асосий принциплари, бинолар ва иншоотларга қўйиладиган минимал техник талаблар, ёнғин аудитини ўтказиш тартиби ҳамда лойиҳа ташкилотлари, қўнун квартиралари уйлари бошқариш органлари ва бошқа масъул субъектларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари аниқ белгиланмоқда.

Сенаторлар таъкидлаганидек, мазкур қўнуннинг айлани қиритилиши ёнғинларнинг олдини олиш самарадорлигини ошириш, давлат ёнғин назорати тизимини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини ишончли муҳофаза қилиш ҳамда мол-мулк дахлсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Муҳокама якунида сенаторлар қўнунни маъқуллади.

Шундан сўнг “Ўзбекистон Республикасининг айрим қўнун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш, шунингдек, айрим қўнун ҳужжатларини ўз қўнунини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги қўнун муҳокама қилинди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда иқтисодий ёшлар ва мутахассисларнинг хориждаги нуфузли муассасаларда, илмий ва бошқа ташкилотларда таълим олишини ташкил этишга катта эътибор қаратилмоқда.

Айни вақтда Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Истикболли кадрлари тайёрлаш бўйича “Эл-юрт умиди” жағмармаси томонидан стипендиалар учун сарфланган ўқитиш харажатларини ундириш механизмининг такомиллаштириш, шунингдек, вазирликлар ва идораларнинг бўйруқлари ҳамда қарорларини ҳуқуқий экспертизадан ва давлат руҳиятидан ўтказиш моддаларини қайта қўриб чиқиш зарурати юзага келган.

Қўнун билан “Давлат божи тўғрисида”ги Қўнунга “Эл-юрт умиди” жағмармаси стипендиалар учун сарфланган ўқитиш харажатларини ундириш юзасидан сулларга қиритган давлолари бўйича давлат божини тўлашдан озод қилинишини назарда тутувчи тузатишлар киритилмоқда. Шунингдек, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қўнунда вазирликлар ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ҳуқуқий экспертизадан ҳамда давлат руҳиятидан ўтказиш моддалари қисқартирилмоқда.

Бундан ташқари, “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қўнунга Президент ва Ҳукумат қарорларига биноан олиб чиқариладиган бўмлар ва махсулотларни экспорт қилишга доир рухсатнома бериш тартиби бекор қилиниши, шунингдек, қўнунда баҳо металлардан ясалган арияттайёр заргарлик бўмларини Ўзбекистон Республикасининг божхона худудидан ташқарига олиб чиқишда Давлат асиллик даражаси назорати инспекциясининг хулосаси олинишини белгилловчи ўзгаришлар киритилмоқда.

Сенаторларнинг фикрича, қўнун “Эл-юрт умиди” жағмармаси томонидан сарфланган маблағларни ўз вақтида Давлат бюджетига қайтариш механизминини кучайтиришга, шунингдек, норма ижодкорлиги фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга, маҳаллий заргарлик бўмларини ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн еттинчи ялпи мажлисининг биринчи иш қўни якунланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати.

ИЖТИМОЙ ДАВЛАТДА ИЖТИМОЙ МУҲОFAЗА УСТУВОР

Олий Мажлис Сенатининг ўн еттинчи ялпи мажлиси биринчи иш қўнида ижтимоий-иқтисодий соҳаларга оид бир қанча қўнунлар муҳокама этилди ва маъқуллади. Аҳолининг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш, болалар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қўнуний манфаатларини таъминлаш, хотин-қизларни тазйик ва зўравонликдан ишончли ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштириш ҳамда инсон ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза этиш, атроф-муҳитни асраш борасидаги қўнунлар шулар жумласидадир.

Қўида сенаторларнинг мазкур қўнунларнинг қабул қилиниш зарурати ва аҳамияти борасидаги фикрлари билан танишасиз.

Муносабат

Бола ҳуқуқлари мустаҳкам ҳимояда

Орзигул ҚОЗИХОНОВА, Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси:



— Болаларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қўнуний манфаатларини таъминлаш — давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири. Шу маънода, “Болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қўнун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида”ги қўнун соҳадаги ҳуқуқий асосларни янада мустаҳкамлашга қаратилгани билан эътиборлидир.

Қўнун билан 6 та кодекс ва 13 та қўнунга қўшимча ва ўзгаришлар киритиш назарда тутилган. Хусусан, Жиноят-процессуал кодексига киритилётган биринчи муҳим ўзгаришлар вояга етмаганларнинг шахсий ҳаётини ҳимоя қилишга қаратилган.

Амалда судлар тарбиявий таъсир мақсадида

жиноят ишларини маҳалларда, таълим муассасаларида ёки бошқа жамоат жойларида сайёр тартибда қўриши мумкин. Бироқ халқаро ҳуқуқий стандартларда бундай ёндашув боланинг ҳуқуқларига салбий таъсир кўрсатишни уқтирилган.

Шу муносабат билан қўнун орқали вояга етмаганларга оид жиноят ишлари ёпиқ суд мажлисида қўрилиши белгиланмоқда.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилаётган ўзгаришларда таълим ташкилотларида вояга етмаган болаларни тарбияловчи шахс томонидан вояга етмаган болага нисбатан жисмоний зўравонлик, камситиш ёки ўрлаш каби ҳаракатлар содир этилган учун алоҳида маъмурий жавобгарлик назарда тутилмоқда ва бундай шахслар бир йил муддат давомида таълим ташкилотларида педагогик фаолият билан шугулланишига йўл қўйилмаслиги белгиланмоқда.

Ойла кодексига киритилган ўзгаришларга қўра давлат ёки нодавлат муассасаларининг тўлиқ таъминотида бўлган вояга етмаган боланинг ота-онасини алимент тўлашдан озод қилишга йўл қўйилмаслиги, етим болаларни ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни фарз

МАМЛАКАТ ЕТАКЧИСИНИНГ БЕЛАРУСГА ТАШРИФИ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ НИГОҲИДА



Нашрларда Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматларро комиссиянинг, машинасозлик, қишлоқ ҳўжалиги техникаси-ни ишлаб чиқариш ва бошқа тармоқлардаги қўшма лойиҳаларнинг ўрни қайд этилган. Бунга мисол сифатида Минск трактор заводи билан ҳамкорликда Нурафшон шаҳри-да қишлоқ ҳўжалиги техника-си ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани, кабелъ маҳсулот-лари ва бошқа саноат йўна-лишларидаги лойиҳалар келтирилган.

Нашрларда агросаноат со-ҳасидаги ўзаро ҳамкорликка ҳам алоҳида эътибор қар-ратилди. “БЕЛТА” агентлиги 2030 йилгача озиқ-овқат маҳ-сулотлари ва қишлоқ ҳўжа-лиги хомаёси бўйича ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини 1 миллиард долларга еткази-шига қаратилган Беларусь ва Ўзбекистоннинг қўшма ишлар режаси тасдиқланга-нини маълум қилган.

Беларусь ОАВлари ҳудуд-лараро алоқаларнинг ривож-ланишига ҳам эътибор қарат-ди. “СБ. Беларусь сегодня” ва “БЕЛТА” нашрларида Фаргона, Навоий, Хоразм ва Жиззах вилоятлари делега-цияларининг Беларусь ҳудуд-ларига ташрифлари ҳақида хабар берилди. Икки мамла-кат вакиллари қишлоқ ҳўжа-лиги, саноат, қайта ишлаш, техника ва озиқ-овқат саноа-ти маҳсулотларини етказиб бериш, қўшма инвестиция лойиҳаларини амалга оши-риш бўйича ҳамкорлик истиқ-болларини муҳокама қилди.

“БЕЛТА” агентлиги ва мамлакатнинг энг қадимий наشري бўлган “Звезда” газе-тасида Беларусь ва Ўзбекис-тоннинг замонавий шерик-лиги савдо муносабатлари доирасидан чиқиб, янги ав-лод технологик ҳамкорли-ги тусини олаётгани таъ-кидланган. Нашрларда икки халқ дўстлигининг тарихий асослари, жумладан, Иккин-чи жаҳон уруши йилларидаги ўзаро ёрдамга ва 1966 йл-ги зилзиладан сўнг Тошкент-ни тиклашда беларуслик му-тахассисларнинг иштирокига эътибор қаратилган.

Беларусь ОАВларида ту-
“Дунё” АА.
Минск

ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН АЛИФБО ЁЗУВИМИЗНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА МОСЛАШТИРИШ ИМКОНИНИ БЕРАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қўриб чиқилиб, қабул қилинди ҳамда Сенатга юборилди. Айни пайтда мазкур ҳужжат ва унга доир ўзгартиришлар ижтимоий тармоқларда ва кенг жамоатчилик орасида қўллаб муҳокамаларга сабаб бўлмоқда.

Ҳўш, мазкур қонун билан алифбомизга қандай ўзгартиришлар киритилиши кутляпти ва бу она тилимизнинг ривожига қай даражада таъсир кўрсатади?

Қонунчилик палатаси депутатларининг фикр-мулоҳазалари шулар ҳақда.

Жараён

Дилмурод АРТИКОВ, Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари қўмитаси аъзоси:

— Лотин ёзу-виг асосланган ўзбек алифбоси-ни такомил-лаштириш маса-ласи сўнгги беш йил давомида кенг муҳокама қилиниб келинаёт-ган долзарб мавзулардан ҳисоблана-ди. Бугунги кунда ҳаммани қизиқти-раётган савол, бу — такомиллашти-рилган алифбо бизга нима беради, унда қандай белгилар жорий этилаёт-гани ҳақида. Айтиш лозимки, мазкур ҳужжат қабул қилиниши натижасида, аввало, ахборот технологиялари со-ҳасидаги қатор муаммолар бартараф этилади. Ҳозирги «О» ва «Г» ҳарф-ларини ёзиш учун бир нота техник амал талаб қилинади, турли кўриниш-лардан фойдаланилиши эса ягона



стандартни шакллантиришга тўсик бўлмоқда. Янги ёндашув бу муаммо-ни ҳал этишга хизмат қилади. Бундан ташқари, ўзбек тилини ра-қамлаштириш ва сунъий интеллект технологияларини ривожлантириш учун муштаҳам асос яратилади. Бү-гунги кунда амалдаги алифбода «й» товуш — бир ҳарф» тамойили тўлиқ таъминланмаган. Айрим ҳарфларнинг ўндан ортик турли ёзилиш кўриниш-лари мавжудлиги ахборот тизимла-ри томонидан уларнинг ягона шакл-да қабул қилинишига тўсик бўляпти. Шунингдек, автоматик таҳлил дас-турлари апострофни кўпичча сўз аж-ратувчи белги сифатида кўради. На-тижада битта сўз ахборот тизими хотирасида икки алоҳида бирикли сифатида қайд этилади. Бу элек-трон қидирув тизимлари, автоматик таржима, электрон лугатлар, мил-лий тил корпусини шакллантириш ҳамда сунъий интеллект асосидаги ўзбек тили моделларини яратиш ва ривожлантириш жараёнини секин-лаштиради.

Яна бир муҳим жиҳат, ёзувимиз-нинг халқаро стандартларга мосла-

шуви таъминланади. Таклиф этилаёт-ган «Ҳ», «Ҷ», «Г» ва «О» ҳарфлари бугунги кунда турк, озарбайжон, туркман, гагауз, қрим-татар, немис, швед, фин ва венгер каби тилларда қўлланилиб, қарийб 300 миллион аҳоли томонидан ишлатилмоқда. Мазкур ҳарфлар халқаро Юникод стандартларига тўлиқ мувофиқ бўлиб, ахборот технологиялари ама-лиётида ўз самардорлигини исбот-лаган.

Умиди РАҲМОНОВА, Демократик институтлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари қўмитаси аъзоси:

— Ижтимоий тармоқларда энг кўп муҳокама қилинаётган маса-лалардан бири алифбони тако-миллаштириш жараёнида «пг» ҳарфлар бирикма-сининг алифбо таркибидан чиқари-лаётганидир. Бу борада шуни айтиб ўтмоқчиманки, авваламбор, «пг» ҳарфлар бирикмаси, «о», «г», «ш», «сн» ҳарфий бирикмаларидан фарқли ўлароқ муаммога сабаб бўлаётгани йўқ. Аксинча, бу бирикмани яхлит-лаштириш янги чалқашиларни юзасига келтиради. Катта ҳажмида матнларни тақомиллашган алифбо-га ўгириш жараёнида дастурлар «single», «ko'ngil», «dengiz» сўзлари-даги ягона «пг» товуши билан бир-галикда «menga», «Namangan», «angina», «shaklangan» каби сўзлар-да ёнма-ён келган, аслида бир-би-рига алоқасиз бўлган «н» ва «г» ҳарфларини ҳам яхлит ҳарфга ўгира бошлайди.



Акс садо

ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Беларусь Республикасига амалга оширган расмий ташрифи Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги изчиллик, очкилик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик тамойилларининг яна бир ёрқин ифодасидир.

Минск шаҳрида бўлиб ўтган олий да-ражадаги музокаралар икки давлат ўртасидаги муносабатларни сифат жи-ҳатдан янги босқичга олиб чиқди. Ай-ниқса, Ўзбекистон ва Беларусь ўртаси-да “Стратегик шериклик муносабати-ларини ўрнатиш тўғрисида”ги декларация-нинг имзоланиши тарихий аҳамиятга эга муҳим воқеалиқдир. Ушбу ҳужжат мам-лакатларимиз ўртасидаги дўстлик, ўзаро ҳурмат ва ишонча асосланган му-носабатларнинг муштаҳам ҳуқуқий асо-сини яратади. Бу нафақат сиёсий му-лоқотни, балки савдо-иқтисодий, ин-вестициявий, илмий-техник ва маданий-гуманитар алоқаларни янада кенгайти-риш учун катта имкониятлар эшигини очади.

Давлатимиз раҳбарининг ташрифла-ри доимо аниқ мақсад ва амалий нати-жаларга йўналтирилгани билан ажра-либ туради, албатта. Минскдаги музо-каралар ҳам бундан мустасно бўлмади. Томонлар нафақат мавжуд ҳамкорлик ҳолатини муҳокама қилди, балки келгу-си йилларга мўлжалланган янги режа-лар ва истиқболли лойиҳаларни кели-шиб олди.

Реал воқелиқда бугун Ўзбекистон ва



Беларусь ўртасидаги товар айланмаси из-чил ўсиб бормоқда. Хусусан, қўйилган мақсад — товар ай-ланмасини 2 млрд. долларга етказиш. Бу мавжуд имконият-ларга асосланган амалий вазифа-дир. Бунда саноат кооперацияси, қишлоқ ҳўжалиги, фармацевтика, транспорт-логистика ва юқори технологиялар со-ҳалари асосий йўналишлар бўлиб хиз-мат қилади.

Беларусь билан саноат кооперация-си Ўзбекистон учун катта аҳамиятга эга. Масалан, қишлоқ ҳўжалиги техникаси соҳасида амалга оширилаётган қўшма лойиҳалар мамлакатимизда ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтириш, маҳаллийлаштириш даражасини оши-риш ва иш ўринларини яратишга хизмат қилмоқда.

Президентимиз томонидан олиб бо-рилаётган иқтисодий дипломатиянинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, у на-фақат савдо ҳажмини оширишни, бал-ки мамлакатлар ўртасида узоқ мuddат-ли технологик ва ишлаб чиқариш зан-

жирларини яратишни кўзда тутади. Бу эса ҳар икки давлатнинг иқтисодий барқарорлиги ҳамда рақобатбардошли-гини таъминлайди.

Қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги ҳамкор-лик ҳам истиқболли. Беларусунинг чор-вачилик, сут ва гўшт маҳсулотларини қайта ишлаш, агросаноатдаги бой таж-рибаси Ўзбекистон учун манфаатлидир. Ўз навбатида, Ўзбекистоннинг мева-саб-завотчилик, тўқимачилик ва бошқа со-ҳалардаги имкониятлари Беларусь бо-зори учун муҳим аҳамият касб этади. Бу икки томонлама ҳамкорликнинг ўзаро тўлдирувчи хусусиятини кўрсатади.

Ташриф доирасида гуманитар соҳа-ларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Зеро, соғлиқни сақлаш, таълим, мада-ният ва илмий алмашинувлар халқла-римизни янада яқинлаштиради.

Бўлиб ўтган музокаралар Ўзбекистон тинчликсевар, очиқ ва прагматик ташқи сиёсат юритаётганининг яна бир намо-ёни бўлди. Муҳими, Ўзбекистон — Бе-ларусь стратегик шериклиги янги бос-қичга қадам қўйди. Бу муносабатлар на-фақат икки мамлакат тараққиётига, бал-ки бутун минтақадаги барқарорлик ва ҳамкорлик муҳитини муштаҳамлашга хизмат қилади.

Кобул ТУРСУНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси раиси ўринбосари.

ИШОНЧЛИ ДЎСТЛИК АЛОҚАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАШМОҚДА

Сўнгги йилларда Ўзбекистон қўшни ва узоқдаги давлатлар билан дўстона, ўзаро манфаатли алоқаларни изчил ривожлантириб бормоқда. Бунда МДХ давлатлари билан ҳамкорлик алоҳида аҳамиятга эга. Улар орасида Беларусь Республикаси муҳим ўрин эгаллайди. Зеро, мамлакатларимиз ўртасидаги масофа жугрофий жиҳатдан узоқ бўлишига қарамай, Ўзбекистон ва Беларусь ҳамкорлиги жадал ривожланиб борапти. Икки дўст мамлакат халқларини яқин ва умумий жиҳатлар боғлаб туради.



миллий манфаатлари уйғунли-гига асосланган, ўзаро ишонч, тенглик ва манфаатдорлик та-мойиллари асосида сиёсий, иқтисодий, хавфсизлик, савдо, инвестиция, транспорт, эне-ргетика, таълим, фан ва мада-ният соҳаларида чуқур ҳамкор-лики назарда тутади. Бундан ташқари, ўндан ортик ҳўжат-лар имзоланади.

Уйлаймизки, атомдан тинчлик мақсадларида фой-даланиш бўйича Беларусь тажрибаси ҳам мамлакатимиз учун фойдали ҳисобланади. Шу боис томонлар шу соҳа-да инфратузилмани барпо этиш борасида тажриба ал-машиддан манфаатдор экан-ни қайд этилди.

Халқаро муносабатларда ҳам Ўзбекистон ва Беларусь дўст давлатлар сифатида ўзаро ёрдам бериб келади. То-монлар халқаро туризмалар, жумладан, Бирлашган Миллат-лар Ташкилоти, МДХ, ШХТ ва

циянинг имзолани-ши бўлди. Ч у н к и ушбу ҳўж-жат мам-лакатлар-нинг узоқ мuddатли

Кўшилмаслик ҳаракати доира-сида ўзаро қўллаб-қувватлаш-ни давом эттиришга қатъий интилишларини баён қилди-лар.

Сўнгги йилларда мамлака-тимизнинг нуфузли олийоҳ-лари Беларусь университет-лари билан яқиндан ҳамкор-лик қилиб келмоқда. Шу боис фаол маданий-гумани-тар алмашинуви изчил да-вом эттириш, таълим, мада-ният йўналишидаги ҳамкор-лики ривожлантириш му-ҳимлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг Беларусь Республикасига ташрифи ва ўтказилган музо-каралар, эришилган келишу-влар халқларимизни янада яқинлаштиришга, ҳудудлари-ми фаровонлиги ва иқтисо-дий ривожланишига муносиб ҳисса қўшади. Зеро, кўп йил-лик дўстона алоқалар зами-нида шаклланган Ўзбекистон — Беларусь ҳамкорлиги ишонч, ўзаро манфаатдорлик ва чуқур ҳурматга асосланган-лиги билан ажралиб туради.

Хушвақт ҲАЙИТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар, мудофиа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси.



Пул — миллий валютамиз банк-ноталари ҳам ўз кучида қолавера-ди. Қачонки, Мар-казий банк янги партияда сўм банкноталарини босиб чиқарса-ни, янги 4 та ҳарф-дан фойдаланади. Унчага ҳеч қанча ортика харажат қилинмайди. Дарс-ликлар масаласига келсак, қондага кўра, улар шундоқ ҳам маълум йил-да (1 — 5 йил) янгиланиши керак. Уша янгиланиш вақти келгандагина янгиланади, унчага ҳаммасини қайта босамиз дейилмайди.

Барчаси жуда оддий. Кўчалар-даги ёзувлар, пешлавахалар, бан-нерлар ва х.к. — буларда ҳам ўша қоида ишлайди. Қачон фойдаланиш мuddати охирига етиб келса, ўшан-да янгисига алмаштирилади. Хат учун бланklar, веб-сайтлар, ёрлик-лар, ресторн менюлари, чипталар ва бошқа шу каби ёзув билан боғ-лиқ маҳсулотларда ҳам худди шу қоида ишлайди. Қачон янгисини чи-қаришга табиий эhtiёб тўғилганда 4 та янги ҳарфдан фойдаланила-ди. Унчага сунъий равишда ал-маштириш ёки мажбурлаш талаб этилмайди.

Мазкур янгиланишлар ўзбек ти-лини замонавий талабларга мос ра-вишда ривожлантириш, унинг рақам-ли муҳитда самарали қўлланилиши-ни таъминлаш ҳамда келажақ авлод-лар учун қулай ва замонавий ёзув тизимини шакллантиришга хизмат қилади.

«Халқ сўзи».

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА ПАРЛАМЕНТНИНГ ЎРНИ

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистоннинг Парламентлараро Иттифоқ билан изчил ривожланаётган ҳамкорлиги, мамлакатимиз ташаббусларининг халқаро парламент ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланаётгани алоҳида эътироф этилди.

Муҳокамалар чоғида БМТнинг 2030 йилгача бўлган Барқарор ривожланиш кун тартибининг амалга оширишда парламентларнинг масъулияти тобора ортиб бораётганидан мамнунлик билдирилди.

Барқарор ривожланиш мақсадларини ҳаётга татбиқ этиш, ижтимоий адолатни таъминлаш, экологик барқарорлиқни муштаҳамлаш, аҳолининг турмуш сифати ва фаровонлигини янада юксалтиришга қаратилган қонунчиликни тақомиллаштиришда парламентнинг роли муҳим эканлиги таъкидланди.

Давра суҳбати давомида парламент фаолиятини тақомиллаштириш, парламент дипломатиясини кенгайтириш, қонун ижодкорлиги сифати ва парламент назорати самарадорлигини кўтариш, Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишда парламентнинг иштирокини янада қучайтириш юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирилди.

ЁШЛАР МАСАЛАЛАРИ — ХАЛҚ ВАКИЛЛАРИ ЭЪТИБОРИДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ёшлар масалалари бўйича комиссия ҳамда Ёшлар парламентининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

Президентимизнинг шу йил 30 июнь кuni ёшлар билан учрашувда белгилаб берилган устувор вазифа-ларни амалга ошириш юза-сидан ўтказилган тадбирда мамлакатимизда ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг орзу ва интилишларини рўёбга чиқариш борасида сўнгги йилларда кенг қўламли ислохотлар давом этаётгани хусусида сўз қўйилди. Ушбу жараён-ларда парламентнинг ўрни ва роли атрофлича муҳока-ма қилинди.

Таъкидланганидек, давлатимиз раҳбарининг ёшлар билан мулоқотида илгари сурилган ташаббус-лар йигит-қизларнинг банд-лигини таъминлаш, уларни касб-хунарга йўналтириш, тадбиркорлик ва иннове-ццион фаоллиқни қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Иштирокчилар ёшлар-нинг ҳуқуқ ва манфаатла-ри ҳимоясини қучайти-риш, уларни ислохотлар жараёнига фаол жалб қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканини, бу борада Қонунчилик палатасининг

Ёшлар масалалари бўйи-ча комиссияси ҳамда Ёшлар парламентининг ўзаро ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этишини ур-ғулашди.

Ийгилишда Президенти-миз томонидан ёшлар мас-салаларига оид берилган топшириқларни амалга ошириш юзасидан Ёшлар масалалари бўйича комис-сия ҳамда Ёшлар парла-менти олдига турган ус-тувор вазибалар белгилаб олинди.

Айтилганидек, ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда пар-ламент ва ижро ҳокимияти органлари ўртасидаги ҳам-корлиқни янада муштаҳам-лаш, Ёшлар парламенти имкониятларидан самарали фойдаланиш ҳамда йигит-қизларни ислохотлар жара-ёнининг фаол иштироки-сига айлантириш бўйича ишларни изчил давом эттириш зарур.

Ёшларнинг ташаббусла-рини қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қонун ижодкорлиги жараёнига фаол жалб этиш Олий Мах-лис Қонунчилик палатаси-нинг доимий эътибор мар-казида бўлиб қолади.

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ДАСТЛАБКИ ТАРЗДА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Тадбиркорлик, рақобатни ривожлантириш ва саноат масалалари қўмитаси томонидан “Қўп квартиралли уйлар ва бошқа кўчмас мулк объектларини улуш киритиш асосида қуриш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси дастлабки тарзда қўриб чиқилди.

Депутатлар, масъул ва-зирлик ва идоралар мута-саддилари иштирок этган тадбирда таъкидлангани-дек, кейинги йилларда қурилиш соҳасидаги исло-хотларни янада чуқурлаш-тириш, барча босқичларда шаффофлиқни таъминлаш, аҳолининг уй-жойга эhtiё-жини самарали таъминлаш-га қаратилган кенг қўла-мий ислохотлар амалга оши-рилмоқда.

Статистик маълумотлар-га кўра, юртимизда кейин-ги йилларда қурилиш ҳажми 17,5 баравар кўтай-ган. Бирок қурилиш тез сурьатларда ўсишига қара-масдан айрим муаммолар касланиб қолмоқда. Маса-лан, баъзи ҳолларда қурув-чи (девелоперлар) томони-дан қурилиш-монтаж ишла-рини амалга ошириш жад-валига рия қилинмапти. Улушли шартномалар эса фуқароларнинг манфаатла-рини етарлича инобатга ол-масдан тузилмоқда. Қури-лиш объектлари, уй-ҳойлар белгиланган мuddатларда фойдаланишга топширил-мапти.

Қурилиш бозорига етар-лича тажрибга эга бўлма-ган қурувчилар қўнайиб, муаммолар қурилиш объект-лари ортиб бормоқда. Шу билан бирга, улуш киритиш асосида қўп квартиралли уй-ларни қуриш соҳасидаги

муносабатлар алоҳида қонун билан тартибга со-линмаган. Бу каби ҳолатлар натижасида қўллаб-қура-лар уй-жой сотиб олиш жа-раёнида муаммоларга дуч келмоқда.

Қонун лойиҳаси билан қўп квартиралли уйлар ва бошқа кўчмас мулк объект-ларининг қурилишига жи-смоний ва юридик шахслар-нинг пул маблағларини жалб қилишга оид муноса-батларни қонун даражаси-да белгилаш назарда ту-тилмоқда. Қиритилаётган нормалар орқали қурилиш-га улуш киритишнинг амал-даги механизми тубдан та-қомиллаштирилиб, улуш-дорларнинг ҳуқуқ ва қонун-ий манфаатлари, уларнинг маблағларини кафолатли ҳимоя қилиш назарда ту-тилмоқда.

Муҳокама давомида де-путатлар қонун лойиҳасида-ги айрим нормалар юзаси-дан аниқлаштирувчи савол-лар берди. Лойиҳани яна-да тақомиллаштириш ва мукамал тарзда мароми-га етказиш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Айни пайтда қонун ло-йиҳаси мутахассислар иш-тирокида муҳокама қили-ниб, Қонунчилик палатаси мажлиси кун тартибига ки-ритиш учун тайёрланмоқда.

«Халқ сўзи».

БАҒРИКЕНГЛИК ВА ИЛМ-МАЪРИФАТ ҒОЯЛАРИ МУЛОҚОТ МАЙДОНИДА



Пойтахтимизда бошланган “Ислом цивилизацияси: тинчлик, бағрикенглик ва илм-маърифат йўли” шiori остидаги Ислом цивилизацияси I Халқаро форумининг навбатдаги тадбирлари Самарқанд ва Термиз шаҳарларида юксак илмий-маърифий руҳда давом этди.

халқаро ташкилотлар вакиллари қатнашиб, ислом цивилизациясининг тинчлик, бағрикенглик, илм-фан ва маърифатни тарғиб этишдаги ўрни ҳақида маърузалар қилишди. Муҳокамаларда глобаллашув шароитида маънавий меросни асраб-авайлаш, ёш авлод-ни маърифат руҳида тарбиялаш ҳамда экстремизм ва радикализмга қарши маърифий ёндашувнинг аҳамияти алоҳида таъкидланди.

Конференцияларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан ташкил этилган Ўзбекистондаги Ислом цивилизация-



си маркази томонидан амалга оширилаётган кенг қўламли илмий, маданий ва маърифий лойиҳалар ҳам кенг тақдим қилинди. Жумладан, буюқ аждоқларимиз қолдирган қўлзма меросни ўрганиш, рақамлаштириш, халқаро илмий муомалага киритиш, замонавий экспозициялар яратиш ҳамда янги фундаментал илмий нашрларни тайёрлаш бўйича олиб борилаётган ишлар иштирокчилар томонидан юқори баҳоланди.

Термиз шаҳрида эса буюқ муҳаддис Абу Исо Мухаммад Термизийнинг ҳаёти, илмий фаолияти ва

жаҳон ислом илм-фани тараққиётига қўшган бекиёс ҳиссасига бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда Имом Термизий меросини кўп йиллардан буюн тадқиқ этиб келаётган маҳаллий ва хорижий олимлар, экспертлар, диний соҳа

мутахассислари ҳамда ёш тадқиқотчилар қатнашди.

Анжуман доирасида Имом Термизий асарларининг илмий аҳамияти, ҳадисшунослик мактаби ривожигаги ўрни, унинг асарларини замонавий тадқиқ этиш йўналишлари ҳамда халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Форумнинг Самарқанд ва Термиз босқичларида 200 дан ортқ илмий маърузалар тингланди. Шунингдек, ислом цивилизацияси, буюқ алломалар ҳаёти ва илмий меросига бағишланган янги китоб-

лар тақдироти ўтказилди, ҳужжатли фильмлар ва видеороликлар намойиш этилди. Бу эса иштирокчиларга Ўзбекистонда амалга оширилаётган илмий-маърифий ислохотлар, маданий меросни асраш ва тарғиб қилиш борасидаги кенг қўламли ишлар билан яқиндан танишиш имконини берди.

Таъкидланганидек, форум нафақат илмий мулоқот майдони, балки турли халқлар ҳамда маданиятлар ўртасидаги ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ислом цивилизациясининг ҳақиқий инсонпарварлик моҳиятини халқаро жамоатчиликага етказишга хизмат қилувчи нуфузли платформалардан бири сифатида юксак аҳамият касб этмоқда. Унинг доирасида илгари сурилган илмий ғоялар ва билдирилган амалий тақлифлар келгусида халқаро илмий ҳамкорликни янада ривожлантириш, бой маънавий меросимизни чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этишга хизмат қилиши, шубҳасиз.

«Халқ сўзи».



«Президент Олимпиадаси»: ЭНГ КУЧЛИЛАР САРАЛАНМОҚДА

Шу кунларда “Президент Олимпиадаси” мусобақаларининг финал босқичига йўл олган жамоалар аниқланмоқда. Хусусан, Тошкентда жойлашган Олимпия шаҳарчасидаги мажмуаларда гандбол, чим устида хоккей ва волейбол бўйича мазкур беллашувларнинг республика финал босқичи давом этаётир.



Айни пайтга келиб гандбол бўйича йигитлар ўртасидаги баҳслар якунига етди. Унга кўра Андижон, Хоразм, Жиззах вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси жамоалари саралашдан муваффақиятли ўтиб, финал босқичига йўланма олди.

Қизлар ўртасидаги чим устида хоккей бўйича беллашувлар ҳам қизиқарли кечди. Якунда Тошкент, Хоразм, Фарғона ва Бухоро вилоятлари ёшлари медаллар учун курашни давом эттирадиган бўлди. Айни пайтда йигитлар ўртасидаги баҳслар бўлиб ўтмоқда.

Волейбол бўйича “Президент Олимпиадаси”нинг республика саралаш ўйинларида йигитлар ўртасидаги дастлабки босқич ортда қолди. Муросасиз беллашувларда Фарғона, Андижон ва Самарқанд вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ёшлари финал босқичида голиблик учун кураш олиб боради.

Енгил атлетика: ҲАМЮРТИМИЗ МУСОБАҚА ҒОЛИБИ

Финляндиянинг Ёенсу шаҳрида Бутунжаҳон енгил атлетика федерацияси (World Athletics)нинг тақвимида ўрин олган бронза даражадаги мусобақа бўлиб ўтди.



Унда эркаклар ўртасида узунликка сакраш дастурида қатнашган ҳамюртимиз, бир нечта турнирлар голиби Анавар Анаваров олтин медалга сазовор бўлди. Ўртадошимиз рейтинг жағариш мусобақасида 7,97 метр натижага қайи эди, энг яқин таъқибчилари ҳисобланган меъзон атлетлари сезиларли фарқ билан ортда қолдиришга эришди.

Кейинги икки ўринни Финляндия спортчилари — Калле Салминен (7,80 метр) ва Каспер Веһма (7,64 метр) эгаллашга муваффақ бўлди.

Шахмат: ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ МИНТАҚАДА ТЕНГСИЗ

Қирғизистонда яқунланган 2026 йилги Марказий ва Шимолий Осиё шахмат чемпионатининг стандарт йўналишида Ўзбекистон терма жамоаси жамоавий ҳисобда биринчи ўринни эгаллади.



Ёш ақл усталаримиз мусобақада жами 11 та — 4 та олтин, 5 та кумуш ва 2 та бронза медалларни қўлга киритди. С. Эркинбоев (U10), И. Жуманазаров (U12), М. Норкулова (U12), З. Актамова (U18) ўш ифаларида олтин медал билан тақдирланди.

Низомга кўра, умумий медаллар ҳисобида энг яқин 3 та федерация кубок ва эсдалик совғалар билан мукофотланди.

Суннатилла ИСЛОМОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

Хизматлар соҳаси:

ИҚТИСОДИЁТНИНГ ТАЯНЧ КУЧИ

Жорий йилда юртимизда хизматлар соҳасини ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди. Бу йўналиш Президентимизнинг Олий Мажлиси ва халқимизга йўллаган Мурожаатномасида ҳамда шу йил 16 февралдаги тегишли фармони билан тасдиқланган давлат дастурида ўз аксини топди.

Нуктаи назар

Таъкидлаш жоизки, мамлакат тараққиётининг ҳақиқий ўлчови ҳар бир оиланинг турмуш тарзи ҳамда фаровонлигининг сезиларли даражада юксалишидир. Шу маънода, ички талабни рағбатлантириш, бозорларда тўқин-сочинлиқни тазминлаш, нарх-наво барқарорлигини сақлаш ва аҳоли харид қобилиятини ошириш миллий иқтисодиётимизнинг янги босқичдаги асосий драйверига айлانмоқда. Сўнгги тўққиз йил давомида аҳоли харид қобилияти икки баробарга ортгани давлат томонидан амалга оширилаётган тизимли ислохотларнинг ёрқин натижасидир. Қўлай ишбилармонлик муҳитини яратиш, товарлар ва хизматлар номенклатурасини кенгайтириш, фуқароларнинг даромад манбаларини қўлайитириш ҳамда инфляцияни изчил пасайитириш бўйича қўрилган чора-тадбирлар бунда асосий омил бўлди.

Таҳлилларга эътибор беринг, бундан беш йил аввал мамлакатимиз аҳолиси йилгига 210 мингта квартира ва 600 мингта автомобиль сотиб олган бўлса, жорий йил бошида бу кўрсаткичлар мос равишда 270 мингта уй-жой ва 1 миллионга автотранспортни ташкил этмоқда. Кўчмас мулк ҳамда автотранспорт бозорининг умумий ҳажми 20 млрд. долларга етказилди. Бу рақамлар фуқароларимизнинг реал даромадлари ва тўлов қобилияти ўсганлигининг аққол исботидир. Халқаро экспертлар ҳамда ижтимоий сўровларга кўра аҳолининг 75 фоизиди молиявий аҳвол яхшиланган.

Ҳаммаси маҳалладан бошланади

Бу йилнинг “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалти-

риш йили” деб эълон қилиниши юқори хизматлар соҳасини ривожлантириш маҳалла даражасига кўчирилди.

Давлатимиз раҳбарининг тегишли фармонига мувофиқ, маҳаллаларда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмини 100 млрд. долларга етказиш мақсадида 4 млрд. долларлик 3500 дан ортқ янги сервис объекларини ишга тушириш кўзда тутилган.

Туризмга иxtисослаштирилган маҳаллаларда 200 га яқин янги туризм ва сервис объеклари, аҳоли гавҳум кўчалар ҳамда соҳил бўйларига эса 800 дан ортқ савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этилади. Бунинг натижасида 300 мингга яқин иш ўринлари яратилади. Маҳаллаларда замонавий маиший хизматлар, кичик логистика марказлари, таълим ва бошқа хизмат турларини ривожлантириш орқали маҳаллий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, имтиёзли кредитлар ҳамда ер ажратиш механизмларини кенг қўллаш режалаштирилмоқда.

Транспорт, логистика ва рақамлаштириш

Сир эмаски, хизматлар соҳасининг самарали ривожини сифатли транспорт ҳамда логистика тизимига боғлиқ. Шу боис миллий авиациони 105 тадан 120 тага етказиш, авиақатновлар сонини 140 мингга, йўловчиларга хизмат кўрсатишни эса 16 миллион нафарга ошириш белгиланган. Бундан ташқари, темир йўл қурилиши бўйича йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Тошкент вилоятида Байтўрғон — Паркент электрлаштирилган темир йўл қурилиши бу борадаги ислохотларга ян-

ги руҳ бермоқда. У 2025 йил январиде бошланган эди. Лойиҳа узунлиги 23,8 километрни ташкил этиб, тўлиқ фойдаланишга топширилган Паркент тумани йирик сайёҳлик манзилларидан бирига айланиши кутилмоқда.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Навоий — Бухоро (92 км.) йўналишида юқори тезликдаги линиялар, шунингдек, пойтахтни атрофидаги туманлар билан боғловчи 110 километрлик тармоқ ишга туширилади. Натияжада 12 миллионга яқин йўловчиларга хизмат кўрсатилади, ҳаракат вақти қисқаради ва логистика хизматларининг сифати ортади.

Давлат дастурида рақамли инфратузилмани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Бунинг доирасида интернет каналларининг ўтказувчанлиқ қобилиятини 4500 Гбит/с гача ошириш ва халқаро автомагистраллар бўйлаб мобил интернет қамровини 96 фоизга етказиш каби мақсадлар белгиланган.

Қолаверса, Рақамли технологиялар халқаро марказини ташкил этиш ҳамда “тартибга солиш қумдонини” (Regulatory Sandbox) режимини жорий этиш назарда тутилмоқда. Ушбу ташаббуслар Ўзбекистонда инновацион IT-хизматларнинг тез сўрьатлар билан ривожланиши учун қўлай ҳуқуқий ва технологик муҳит яратишга қаратилган бўлиб, натижада мамлакатимизда ушбу соҳадаги хизматларнинг экспорт ҳажмини кескин ошириш ва нуфузли халқаро технология компанияларини жалб қилиш имконини беради.

Дарвоқе, хизматлар соҳасида тадбиркорлик фаолиятининг сама-

Мазкур ёндашув “Инсон қадрини учун” тамойилининг ҳаётини ифодаси бўлиб, давлат сиёсатининг устувор мақсадларидан бири эканлигини тасдиқлайди. Зеро, юртимизда хизматлар соҳасининг ривожланиши нафақат иқтисодий ўсишни таъминлайди, балки жамиятда ижтимоий адолатни мустаҳкамлайди, аҳоли ишончини янада оширади ва Янги Ўзбекистоннинг барқарор, фаровон ҳамда замонавий давлат сифатидаги ёрқин келажагини шакллантиришга мустаҳкам пойдевор яратади.

Сирожиддин ЯНГИБОВ,
ТДИУ факультет декани, доцент,
Нуриддин ЖОВЛИЕВ,
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

ФОРС КЎРФАЗИ САЙЁҲЛАРИ ЗОМИНДА



Жиззах вилоятининг бетақорр табиати ва замонавий инфратузилмаси дунё сайёҳлик марказлари эътиборини ўзига тортмоқда. Зомин туманига ўмоннинг етакчи инфлюенсерлари ва тuroператорлари келгани ҳам айнан шундан далолат беради. Таъиништурув сафари доирасида хорижий меҳмонлар “Зомин” туристик-рекреацион зонасида бўлди.

Туризм

— Учрашув жараёнида Зомин туманининг туризм имкониятларини араб давлатлари бозорига кенг тарғиб қилиш, янги туристик йўналишлар ва махсус турпакетлар ишлаб чиқиш бўйича ўзаро келишиб олдик,

— дейди “Зомин” туристик-рекреацион зонаси дирекцияси” давлат унитар корхонаси директори ўринбосари Абдуғани Авазов. — Икки томонлама меҳдиҳамкорликни ривожлантириш орқали туристлар оқими-ни ошириш ҳамда талабга қараб инфотурларни ташкил этиш масалаларини ҳам муҳо-

кама қилдик. Албатта, сайёҳ харақатларимиз ўз натижасини беради.

Зоминнинг пурвиқор тоғларияю ян-яшил арчазорлари, гўзал манзаралари, рекреацион имкониятлари ва сўнгги йилларда барпо этилган замонавий туризм инфратузилмаси ўмонлик инфлюенсерлар ва тuroператорларга манзур бўлди. Бу, ўз навбатида, ушбу худудни хорижий сайёҳлар учун жозибадор йўналиш сифатида тарғиб этишга хизмат қилади.

Толибжон ЭРҒАШЕВ («Халқ сўзи»).

Шу йил 1 августдан жарима майдончасидан автомобилни олиб чиқиш учун QR-кодли электрон рухсатнома жорий этилади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 742. 19 766 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғо бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Тахриратта келган қўлёзмалар тақрир қилинмайди ва мустақил қайтарилмайди.

Газетанинг эътибори берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаъобгар.

Газета тахрират компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бекмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфия ҳижатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.35 Топширилди — 01.00 1 2 3 4 5 6